

International scientific and practical online conference

## **INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES**

Международная научно практическая online-конференция

## **ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК**

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

## **DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ**

# 2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available  
at [virtualconference.press](https://virtualconference.press)

## CONTENTS

### LITERATURE

**Asadov M** – The motif of “Loneliness” in the work “the stranger”.....3

### MEDICINE

**Эрматов Н, Абдулхаков И.** – Қанди диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиши рационада меваларнинг тутган ўрни ва ахамияти.....8

**Насирдинов М., Эрматов Н.** – Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларининг таъминланган даражасини таҳлили.....12

**Сагдуллаева М., Эрматов Н, Бобомуродов Т** - Муддатида ўтиб туфилган болалар оналари орасида касалланишнинг гигиеник таҳлили.....15

**Эрматов Н, Насирдинов М.** - Темир танқислик камқонлиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг қиш фаслида овқатланишини гигиеник таҳлили.....18

**Эрматов Н, Насирдинов М** - Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибини гигиеник таҳлили.....22

**Садикова М.А.** - Использование ларингеальной маски анестезиологическое обеспечение пациента с тяжелой шейно-грудинной рубцовой контрактурой...25

### PEDAGOGY

**Shamshiyeva S.A., Noraliyeva M.A.** - Oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda rivojlanish markazlarining ahamiyati.....33

**Yarashova N. J.** Bolalarning lingvokognitiv taraqqiyotida o‘yinlarning ahamiyati..37

### PHILOLOGY

**Xudayberdiyeva O.** - O‘zbek tilshunosligida gender tadqiqotlar.....43

### PHILOSOPHY

**Boltaev F.F.** - Philosophical analysis of the problem of the origin of language.....46

### GENERAL SCIENCE

Тахирова И. О переводе английской фразеологии на русский язык.....50

Kamalova D.K. Role of interpersonal skills in teaching English.....53

Abdumuminova O.A. Professional competence of primary education teacher as a condition for effective implementation of continuity between primary and basic school.....58

## **МУДДАТИДА ЎТИБ ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР ОНАЛАРИ ОРАСИДА**

### **КАСАЛЛАНИШНИНГ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ**

**МАФУРА САГДУЛЛАЕВА,**

**НИЗОМ ЭРМАТОВ,**

**ТУРДИҚУЛ БОБОМУРОДОВ**

Тошкент Тиббиёт академияси

Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси,

Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси

#### **Резюме.**

Тадқиқотда муддатида ўтиб туғилган болаларнинг оналар орасида учрайдиган касалликларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилидик. Муддатидан ўтиб туғилган оналарнинг касалланиш материаллари 2016 ва 2020 йиллар давомидаги олинган статистик материаллар асосида амалга оширилди. Касалланиш материаллари профилактик тиббий кўриклар ҳамда мурожаатлар бўйича касалланшларнинг таҳлили асосида амалга оширилиб, Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 классификацияси асосида амалга оширилган. Тиббий кўрик жараёни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун қатор мутахассислар жалб этилган. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 2016-2020 йилда назорат остига олинган оналар орасида энг кўп тарқалган касалликлар кўрсаткичлари қуйидагичани ташкил қилди, 25,5% темир танқислик камқонлик касаллиги, 15,6% йод танқислик ҳолатлари, эндемик буқоқ касаллигининг I ва II даражаси, ҳомиладорлик токсикозлари 10-12%ни, овқат аллергияси 5-7%ни ҳамда 15% сийдик йўллари касалликлари ва пиелонефрит, 1-2%ни қандли диабет касаллиги ташкил қилди, айрим касалликларнинг учраш даражаси 1%дан камдир. Олинган натижалар асосида ҳомиладор аёллар орасида ҳомиладорлик токсикози ва темир танқислик камқонлик касаллигини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни зудлик билан амалга ошириш, бу эса янги туғиладиган болаларнинг саломатлик ҳолатини ҳимоялашнинг энг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар. ҳомиладор оналар, муддатида ўтиб туғилган болалар, касалланиш даражаси.

**Муаммонинг долзабрилиги ва зарурияти.** Бугунги кунда мамлакатимизда нафақат ёш авлоднинг саломатлик ҳолатни мустахкамлаш, балким фертил ёшидаги оналар орасида касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, туғилажак болалар саломатлик ҳолатини ҳимоялаш, уларнинг туғилгандан кейин соғлом ва баркамол ўсиши, жисмоний ва ақлий ривожланишининг гормониклигини таъминлаш ва алиментар боғлиқ касалликларни олдини олиш мақсадида 2010 йил 7 июндаги 251-сон «**Аҳоли орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида**»ги Қонун қабул қилинган.

Ушбу қонунда белгиланган вазифаларни бажаришда фертил ёшидаги оналарнинг саломатлик ҳолатини таъминлаш билан биргаликда улардан туғиладиган болаларнинг она қорнида меъёрий даражада ўсиш ривожланиши учун зарур бўлган микроэлементлардан темир танқислик камқонлик касаллиги, йод танқислик ҳолати касалликлари билан биргаликда, моддалар алмашинувининг бузилишини олдини олиш бугунги кундаги соҳа ходимлар олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Микронутриентлар ва жисмоний фаоллик ошириш, аҳолининг турли қатламлари орасида турли етишмовчилик ҳолатлари натижасида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоратadbирлар ишлаб чиқиш билан биргаликда қатор касалликларнинг тарқалишини камайтириш, нафақат соғлом авлоднинг шаклланиши, балким оналарнинг узоқ-умр кўриш даражасини ошириш имконини беради.

**Ишимизнинг мақсади** қилиб муддатида ўтиб туғилган болаларнинг оналар орасида учрайдиган касалликларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** Муддатидан ўтиб туғилган оналарнинг касалланиш материаллари 2016 ва 2020 йиллар давомидаги олинган статистик материаллар асосида амалга оширилди. Касалланиш материаллари

профилактик тиббий кўриклар ҳамда мурожаатлар бўйича касалланшларнинг таҳлили асосида амалга оширилиб, Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 классификацияси асосида амалга оширилган. Тиббий кўрик жараёни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун қатор мутахассислар жалб этилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 2016-2020 йилда назорат остига олинган оналар орасида энг кўп тарқалган касалликлар кўрсаткичлари куйидагичани ташкил қилди: булардан умумий касалланиш 25,5% темир танқислик камқонлик касаллиги, 15,6% йод танқислик ҳолатлари ваунинг асорати натижасида юзага келадиган, эндемик буқоқ касаллигининг I ва II даражаси, ҳомиладорлик токсикозлари 10-12%ни, овқат аллергияси 5-7%ни ҳамда 15% сийдик йўллари касалликлари ва пиелонефрит, 1-2%ни қандли диабет касаллиги ташкил қилди, айрим касалликларнинг учраш даражаси 1%дан камдир.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлашимиз жоизки муддатида ўтиб туғилган болаларнинг оналари орасида энг кўп тарқалган касалликлар кўрсаткичи йод ва темир танқислик ҳолатлари, ҳомиладорлик токсикози, аллергиясиз касалликлар ва сийдик йўллари касалликлари даражаси юқорлиги аниқланган.

Олинган натижалар асосида ҳомиладор аёллар орасида ҳомиладорлик токсикози ва темир танқислик камқонлик касаллигини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни зудлик билан амалга оширишни тақоза қилади.

Бу эса янги туғиладиган болаларнинг саломатлик ҳолатини ҳимоялашнинг энг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.